



ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ўғил-қизларим!
Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тим-солинғизда бутун Ўзбекистон ёшларини мамлакатимизда кенг нишонланаётган кутлуғ айём — Ёшлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ушбу байрамни сизлар билан биргаликда катта шоду хуррамлик билан ўтказаятган ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингизни, кўп миллатли бутун халқимизни самимий кутлаб, барчангизга ўзининг юксак ҳурмат-эҳтироми ва эзгу тилакларини билдираман.

Албатта, мана шундай қувончли айёмда юртимиз келажаги, умид ва ишончимиз рамзи бўлган азму шижоатли фарзандларимиз тимсолида Ватанимиз нақадар улкан имкониятларга эга эканини янада чуқур ҳис эта-миз.

Бугунги кунда мактаб, коллеж, техникум ва олийгоҳларда билим олаётган, ўз шахсий ишини очиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган, Куролли Кучларимиз сафларида йи-гитлик бурчини шараф билан адо этаётган, ишлаб чиқариш, қурилиш, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларига, замонавий IT-технологиялари йўналишларига дадил кириб бораётган, катта орзу-умидлар билан яшаётган 18 миллиондан зиёд ўғил-қизларимиз — бизнинг бе-бахо бойлигимиз, олтин захирамиздир.

“Янги Ўзбекистон бунёдкори бўла-ман!”, “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга муносиб ҳисса қўшаман!”, деган юксак мақсадлар фарзандларимиз қалбидан чуқур жой олиб, уларнинг ҳаёти ва фаолияти мазмунига айланб бораётгани билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Азиз ёшлар!
Навқирон авлодимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ўғил-қизларимизнинг билим олиши, меҳнат қилиши, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун барча шароитларни яратиш сўнги йилларда Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтари-лган ва бу борада улкан ишлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум, ал-батта.

Ўтган қисқа даврда ушбу йўналишда 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қили-ниб, изчил амалга оширилаётгани бунга яққол тасдиқлайди. Айниқса, янгиланган Конститу-циямизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатла-ри аниқ моддалар билан муҳофаза қўйилгани,

ҳеч шубҳасиз, бу борадаги ҳуқуқий базани янада кенгайтириш, амалий ишларимизни янги босқичга кўтариш имконини бермоқда.

Шу ўринда янги тахрирдаги Асосий қону-нимиз лойиҳасини муҳокама этиш ва умум-халқ референдуми орқали қабул қилишда ёшларимиз алоҳида фаоллик кўрсатганини миннатдорлик билан таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу эса ўғил-қизларимизнинг Ватанимиз тақ-дири ва келажагига юксак дахлдорлик туй-ғуси билан яшаётгани, мамлакатимиздаги сиёсий-ижтимоий жараёнларга янгича руҳ ва мазмун олиб кираётганидан далолат беради.

Айни пайтда бундай фаол муносабат бу-тун халқимиз қатори ёшларимиз билан ҳам доимий мулоқоти йўлга қўйиб, фикр ва ис-такларини эшитаётганимиз, барча дастур ва режаларимизни амалга оширишда ўғил-қизла-римизни кенг жалб этиб, уларга ишонч билди-раётганимиз тизими яратилди.

Шу маънода, ўтган даврда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги — вертикал бошқарув тизими яратилди.

Юртимиздаги барча маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиб, бу вазифа-га ташкилотчилик қобилиятига эга, ташаббус-кор йиғит-қизлар танлаб олинди. Маҳаллада бу тизим орқали ёшларга 100 дан ортиқ им-кониятлар яратилди.

“Ёшлар дафтари” тизими йўлга қўйилиб, сўнги икки йилда 798 минг нафарга яқин ёшларга қарийб 1 триллион сўмлик ёрдам-лар кўрсатилди. Жумладан, 53 минг нафар эҳтиёжманд оилга мансуб талабага ўқш учун контракт пуллари тўлаб берилди.

Олий таълим муассасалари сони салкам уч марта кўпайиб, 210 тага, қамров даражаси эса 9 фоиздан 38 фоизга етгани замонавий илм ва касб соҳаларини эгаллашда ўғил-қиз-ларимиз учун янги имкониятлар очмоқда.

Охириги уч йилнинг ўзига 250 минг нафар ёшга 6 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кре-дитлар ажратилди. Мамлакатимиз бўйича 210 та “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зона-лари” ташкил этилиб, 4 триллион сўмлик 2,5 мингта лойиҳа амалга оширилди. Натижада, ёш тадбиркорлар сони 2 қарра кўпайиб, 200 мингдан ошди.

Биз нафақат ёшларимиз, балки бутун жа-миятимиз ҳаётини тубдан ўзгартиришга ҳиз-мат қилаётган ана шундай эзгу ишларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз. Шу борада ёшларимизни ҳар томонлама қўл-лаб-қувватлаш, сиз, азизларнинг салоҳият

ва иқтидорингизни ривожлантириш ва рўёбга чиқариш учун имконият ва шароитларни яна-да кенгайтирамиз.

Қадрли ўғил-қизларим!
Юртимиз ёшлари яратилаётган имконият-лардан унумли фойдаланиб, турли соҳалар-да дастлабки умидбахш натижаларни қўлга киритаётгани албатта барчамизни хурсанд қилади.

Ўзбекистонлик ўқувчилар ўтган йили халқроо фарм олимпиадаларида 7 та олтин, 36 та кумуш ва 38 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Ёш спортчиларимиз эса халқроо мусо-бақаларда муваффақиятли иштирок этиб, бу йил 247 та олтин, 119 та кумуш, 110 та брон-за медаль соҳибига айландилар.

Кейинги йилларда Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ана шундай ёшларнинг 758 нафари давлат мукофотла-рига сазовор бўлдилар.

Албатта, биз азиз фарзандларимизнинг орзу-интилишлари, илгор ғоя ва ташаббус-ларини рўёбга чиқариш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириб, уларни янги, янада юксак босқичга олиб чиқамиз.

Ишончим комил, жонажон Ватанимизга меҳр ва садоқат билан яшаётган, илм-фан ва касб-хунарларни пухта эгаллаб, ҳозирги мураккаб замондаги кескин рақобатга тайёр бўлиб вояга етган ёшларимиз ҳар қандай баланд маррани эгаллашга қодир.

Сиз, азизларни бугунги ёшлик, бахт ва на-фосат айёми билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик, улкан ютуқ ва омадлар тилаймиз.

Ҳеч қачон унутманг, галаба ва бахт — астойдил интиланганики!
Сизларнинг ютугингиз — бу бутун эл-юр-тимизнинг ютуғи.

Халқимиз сизларга ишонади, сизларга таянади, сизлардан куч-ғайрат, руҳ ва илҳом олади.

Ўз олдингизга улғу мақсадлар қўйиб яшашдан асло чарчаманг!
Янги Ўзбекистонни албатта сизлар билан, бутун мамлакатимиз ёшлари билан бирга барпо этамиз.

Барчангизга байрам муборак бўлсин, қадрли ўғил-қизларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ ЕТАКЧИСИНИ ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимухамедовни таваллуд куни билан самимий кутлаб, унга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, қардош туркман халқига тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Унинг бугунги Туркменистонни ривожланти-риш, мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатла-рини мустақкамлашга қўшаётган салмоқли ҳисса-си алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари Қурбон ҳайити билан бир-бирини дилдан табрикладилар.

Ўзбекистон Президенти янги Арқадаг шаҳри рас-ман очилгани муносабати билан ҳам Гурбангули Бердимухамедовни кутлади.

Телефон мулоқоти чоғида мамлакатларимиз ўр-тасида савдо, инвестициялар, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларида кўп қир-рали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Барча даражаларда самарали мулоқотлар, ҳудудларо ва маданий-гуманитар алмашинувлар фаоллашгани таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди.

ЎЗА




Газетаимизнинг бугунги сонида Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг сайловолди ташвиқоти бўйича мақола чоп этилмоқда.
Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-бетга қаранг.

30 ИЮНЬ — ЁШЛАР КУНИ

“ТЎЛҚИН УРГАН УММОНЧА БОР ЮРАҚДАГИ ТУҒЁНИМ”



Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, сифатли таълим-тарбия олиши учун мустақкам асослар яратиш, истеъдодини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, умуман, навқирон авлод вакилларига қаратайлаётган эътибор ўз самарасини бераётир.

Давоми 5-бетда



Хусниддин Исаев

НУҚТАИ НАЗАР

ЗАМОНАВИЙ САНОАТ ТАРАҚҚИЁТИ

Мис ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш имкониятлари

Шу кунларда пойтахтимиз яна бир халқроо тадбир — тоғ-кон ва металлургия саноатини ривожлантиришга бағишланган конференцияга тайёргарлик кўрмоқда. Мазкур нуфузли анжуманда дунёнинг етакчи геология, кончилик ва мис ишлаб чиқариш компаниялари вакиллари, соҳада илмий изланиш олиб бораётган олимлар, фан арбоблари иштирок этиши кутилмоқда.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томон-лама қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақ-садида ўзининг юксак азму шижоати, ижодий ва интеллектуал салоҳияти, истеъдод ва қо-билиятини намоён этиб, ҳалол ва самарали меҳнати, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан юртимиз тараққиётига, унинг халқроо нуфузини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, она Ватанимизга меҳри ва садоқ-ти, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпар-варлик фазилатлари билан тендошларига ўрناк бўлиб келаётган қуйидаги ташаббускор ва етакчи ёшларимиз “Келажак бунёдкори” медаллари билан мукофотлансин:

- Мамбетярова Улбосин Мусатдин қизи** — Қўнғирот тумани “Минжарған” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
- Ниязимбетов Шерзод Қадирбердиевич** — Нукус туманидаги “Biogutmus” фермер хўжали-ги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси
- Йўлдошев Раҳимжон Рафўжон ўғли** — Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехноло-гиялар институти агроинженерия ва гидро-мелиорация факультети деканининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, Андижон вилояти
- Умматалиева Мохларой Зокиржон қизи** — Балиқчи туманидаги 14-умумий ўрта

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

“МАРД ЎҒЛОН” ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда барча соҳа-ларда амалга оширилаётган ис-лохотларда алоҳида фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва қо-билияти, интилувчанлиги, ташаб-бускорлиги ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, Янги Ўзбекистон-нинг халқроо миқёсдаги обу-рۇ-эътиборини янада оширишга кат-та ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлай-диган, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўл-ган фидойи ва мард ўғлонлари-мизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат

мукофотлари ва геральдика бў-йича комиссиянинг Қорақалпоғис-тон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йиғитларини фан, таълим, мада-ния, адабиёт, санъат, спорт, ҳар-бий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун “Мард ўғлон” дав-лат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари илова-даги рўйхатга мувофиқ маъқул-лансин.

2. “Мард ўғлон” давлат муко-фоти билан тақдирланганларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

“Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдоридан пул му-кофоти берилишини таъминла-син.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва омма-вий коммуникациялар агентли-ги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ва бошқа

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 29 июнь

“Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганлар рўйхати 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Усмонова Мадина Улугбек қизи — Жиззах шаҳридаги "Grand Super Star" масъулияти чекланган жамияти кран машинисти, Жиззах вилояти

Мансурова Зарина Анвар қизи — Қарши туманидаги 71-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ҳақбердиев Абдуманнон Ғафурович — Муборак газни қайта ишлаш заводининг цех оператори, Қашқадарё вилояти

Равшанова Гулҳаё Азаматовна — Навоий вилояти "Зиёкор" аёллар ва ёшлар маркази раҳбари

Рахмонов Сухроб Юсупович — Навоий шаҳридаги "Bug Kompressor Navoiy" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

Абдуллаева Замира Мухторжон қизи — Чортоқ туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Рафиков Жаҳонгир Раҳимжон — Наманган шаҳридаги "Effortless Education Service" нодавлат таълим муассасасининг "Start-21" ўқув маркази раҳбари, Наманган вилояти

Баликова Чарос Норбек қизи — Шашка бўйича Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси, Самарқанд вилояти

Махкамтошева Мархаб Абдурахмон қизи — Самарқанд давлат университетининг "Ўзбекистон" локомотив депоси "Afrosiyob" юкори тезюрар электропоезди машинисти ёрдамчиси, Сирдарё вилояти

Боқиева Феруза Шерали қизи — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг "Ўзбекистон" локомотив депоси "Afrosiyob" юкори тезюрар электропоезди машинисти ёрдамчиси, Сирдарё вилояти

Тошбеков Жўрабек Абдумалик ўғли — Сирдарё туманидаги "Software-Developers-Group" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

Абдумаликов Умиджон Абдумалик ўғли — Термиз туманидаги "Сурхон Термиз Умид" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Очилдиева Дилноза Ўткир қизи — Қизилқум туманидаги "Баркамол авлод"

болалар мактаби тўғрарак раҳбари, Сурхондарё вилояти

Абдуллаев Руслан Анвар ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Тошкент вилояти

Киёмова Маржона Муродхўжа қизи — Паркент туманидаги "Кумушкон" кутубхонаси раҳбари, Тошкент вилояти

Иброҳимов Жаҳонгирмурзо Улугбек ўғли — Марғилон шаҳридаги "Муҳандисона" масъулияти чекланган жамияти директори, Фарғона вилояти

Турғунова Нодирахон Абдурахим қизи — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг 1-босқич магистранти, Фарғона вилояти

Қаландаров Шохруҳбек Мирзабек ўғли — Хонқа туманидаги "Хонқа чорва капитал" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Машарипова Гули Раъно Озодовна — "Edu Action" IELTS тест марказининг Хоразм вилояти бўйича бош координатори

Ачилова Дибёра Алишеровна — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг халқаро факультети ёшлар етакчиси

Умирзаков Шаҳзод Бахтиёр ўғли — Юнусобод туманидаги "Tass Vision" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри

Асқаралиева Маҳлиёхон Акмалжон қизи — Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

Жўракулова Маржона Садриддин қизи — Ўзбекистон Республикаси Ешлар ишлари агентлигининг "Қизлар овози" клуби раҳбари

Икромова Таҳмина Изатуллоевна — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўйича спортчиси

Қадилов Азамат Азизович — "Uzbekistan Airways" акциядорлик жамиятининг Парвозлар хавфсизлиги ва сифат таъминоти бошқармаси "А-320" хаво кемаси учувчи-нозир

Мухомумов Жавлонбек Хусниддин ўғли — Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослашти-

рилган мактабининг халқаро олимпиада захиралари маркази ўқитувчиси

Рахмонова Наргизахон Бахтиёржон қизи — Ўзбек миллий маком санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли артисти

Сафаров Худойназар Суннат ўғли — "Ўзбекгеологияқидирув" акциядорлик жамиятининг Зарафшон дала геология-қидирув экспедицияси ери ости ишлари геологи

Усмонова Мафтуна Анваровна — Тошкент шаҳридаги "Шароит плюс" ногиронлар жамоат бирлашмасининг лойиҳалар координатори

Хамроев Сардорбек Ислам ўғли — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Элмуродова Нигина Бахтиёр қизи — Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг буйрак трансплантацияси ва реабилитацияси бўлими жарроҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 29 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 июндаги ПҚ-199-сон қарорига илова

"Мара ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланганлар рўйхати

Ёндирбаев Давронбек Гулман ўғли — Нукус шаҳридаги 12-болалар музика ва санъат мактабининг бахшичилик бўлими ўқитувчиси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Мамбетшарипов Юсуп Рахатович — Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг докторанти (Қорақалпоғистон Республикаси)

Азимов Сарварбек Қаюмжон ўғли — Андижон машинасозлик институтининг 1-босқич магистранти (Андижон вилояти)

Мўминжонов Миржалол Муқимжон ўғли — Андижон давлат университетининг кимё кафедраси катта ўқитувчиси (Андижон вилояти)

Садуллоев Анварбек Ойбек ўғли — Пешку туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)

Содиқов Мухаммадали Кахрамонович — Бухоро шаҳридаги "AD Astra" ўқув маркази раҳбари (Бухоро вилояти)

Қодиров Умиджон Лапас ўғли — Жиззах давлат педагогика институтининг 3-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

Райимов Фурқатжон Фарход ўғли — Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 4-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

Номуродов Олимжон Обиджон ўғли — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси (Қашқадарё вилояти)

Усмонов Махсуд Тулқин ўғли — Ўзбекистон Миллий университетининг 1-босқич магистранти (Қашқадарё вилояти)

Исмоилов Абдуқодир Дилшод ўғли — Тошкент давлат иқтисодий университетининг 1-босқич талабаси (Навоий вилояти)

Хайдаров Хумоюн Машарип ўғли — "Mash X Industry" масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Навоий вилояти)

Насриддинов Вохиджон Махаммадсоли ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси (Наманган вилояти)

Одашов Зайниддин Зухриддин ўғли — Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг гуруҳ командири (Наманган вилояти)

Закиров Руслан Олегович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси ҳузуридаги марказининг ҳайдовчи-қўтқарувчиси (Самарқанд вилояти)

Исломов Шербек Махмуд ўғли — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 1-босқич талабаси (Самарқанд вилояти)

Бахриллаев Баҳром Азмиддин ўғли — Сардоба туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси (Сирдарё вилояти)

Краснов Анатолий Викторович — Сирдарё вилояти сув спорти турларига ихтисослашти-

рилган спорт мактабининг академик эшкак эшиш бўйича мураббийи (Сирдарё вилояти)

Турсунов Анвар Махмадиёр ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси (Сурхондарё вилояти)

Хуррамов Аббос Бахрамович — Республика "Баркамол авлод" болалар мактаби услубчиси (Сурхондарё вилояти)

Абдуганиев Турдали Абдуқайом ўғли — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Махсус вазибалар бўйича республика қўтқарув маркази кинолог-қўтқарувчиси (Тошкент вилояти)

Ёқубов Достон Жалолиддин ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири (Тошкент вилояти)

Иигиталиев Саидасрор Шавкат ўғли — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат

академик катта театрининг опера ижрочиси (Фарғона вилояти)

Меликузиев Сарварбек Махмуд ўғли — "Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университетининг таянч докторанти (Фарғона вилояти)

Аматбоев Огабек Шоазар ўғли — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 4-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

Каримов Жавоҳир Абдукарим ўғли — Хива шаҳридаги Огаҳий номидаги ижод мактабининг 9-синф ўқувчиси (Хоразм вилояти)

Махмудов Абдуллох Алишер ўғли — Учтепа туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Мирзаахмедов Миразиз Мирвоҳид ўғли — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Yoshlar" радиоканали муҳарририяти бош муҳаррири (Тошкент шаҳри)

ҚУРБОН ҲАЙИТИ — ИНСОН ҚАДРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ УЛУҒЛАШГА ҚАРАТИЛГАН БАЙРАМ



Содиқ ТОШБОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси раиси

Бу йилги байрам, айниқса, ўзгача шуқуқ ва фойз билан ўтмоқда. Бунинг одамларнинг юз-кўзларидаги қувонч ва тиллариданги шукроналик сўзларидан яққол англаш мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат, Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига кўплаб хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан кутлов мактублари келиши давом этмоқда, ўз навбатида, Президентимиз томонидан ҳам чет эл давлатлари раҳбарларига табриқномалар юборилмоқда. Байрам том маънода ўзаро меҳр-оқибат рамзи ўларок, халқаро алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, айниқса, Президентининг Ўзбекистон халқига йўллаган Қурбон ҳайити табриги юртдошларимизни бениҳоя хурсанд қилди, айниқса, муборак манзилларда Ҳаж амалларини бажараётган ҳўжалиримизга ҳақиқий байрам кайфиятини бахш этди.

Байрам табрида халқимизнинг олижаноб қадриятларини асраб-авайлаш, аждодларимизнинг бой илмий меросини тиклаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, халқимизнинг маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган, муқаддас ислом динининг эзгу ғояларини ўзида яққол ифода этадиган Ийд ал-Адҳо — Қурбон ҳайити жамиятимизда инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, саховат ва шукроналик туйғуларини кучайтириш, ёшларимизда юксак фазилатларни камол топтириш мақсадида мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланмоқда.

ва фаол тарғиб этиш, буюқ аждодларимизнинг табаррук қадамжоларини обод қилиш, байрам кунларида ўзаро меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлаш каби эзгу ташаббусларнинг тилга олингани, қолаверса, сўнгги йилларда инсон қадрини улуғлаш бош ғояси асосида амалга оширилаётган амалий саъй-ҳаракатлар том маънода юртимизда ижтимоий ҳимоя ва инсон қадри масаласига берилётган алоҳида эътиборнинг юксак намунаси сифатида экани қайд этилгани айни ҳақли эътироф.

Бугун мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги босқичига чиқди. Бунинг янги Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатидан тортиб, иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳамда диний-маърифий соҳаларидаги туб ислохотлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Мамлакатимизда турли миллат ва конфессиялар ўртасида ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлаш, маданиятлараро мулоқотни кўллаб-қувватлаш ҳамда тинчлик-тотувлигини таъминлашга қаратилган изчил, пухта йўланган сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

Эътиборлиси, юртимизда инсон қадри учун амалга оширилаётган ишларни ҳар жабҳада кўриш мумкин. Хусусан, турли ғаразли кучлар таъсирида диний-экстремизм фаолиятига адашиб кириб қолган инсонларнинг чекирилиши ёки "Меҳр" операциялари доирасида Сурия, Ироқ ва Афғонистонда оғир аҳволга тушиб, чорасиз қолган аёллар ва болаларнинг Ўзбекистонга олиб келингани, улар янгилаётган, инсон эрки ва ҳуқуқлари қадрланадиган юртимизда янги ҳаёт бошлагани бунинг яққол мисолидир.

Шунингдек, адашиб жиноятга қўл урган, лекин айбини чуқур англаб, тузаилиш йўлига қатъий ўтган фуқароларнинг афв этили-



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБАСИДА ҚУШИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ишлари шиддат билан давом этаётгани ҳамда зиёратга келаётган халқаро эксперт ва хорижий меҳмонларнинг юксак эътирофи ва ҳайратига сабаб бўлаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Қолаверса, ўзининг маҳобати ва илмий салоҳияти тўғрисида маърифат масканига айлангани кутилаётган — Ўзбекистон Ислום цивилизацияси маркази ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Зотан, халқимизнинг бой диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш, ёш авлодин миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда беқиес ўрин тутадиган мазкур илм-маърифат маркази ҳозирданок ўз маҳобати, амалга ошираётган маънавий, илмий тадқиқот фаолияти билан бутун дунё хавасини келтирмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг диний-маърифий соҳадаги ислохотлари кўз ўнгимизда ўзининг кўнглиларга қувонч элтувчи экинлари билан рўй-рост намоён бўлапти. Бу-

Жорий Ҳаж мавсумига квотанинг оширилгани, шубҳасиз, юртимиз зиёратчилари учун катта хўшхабар бўлди. Бу йил юртдошларимиз Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба бундай катта ададда зиёратга борди.

Қолаверса, шу йил эшитиш ва кўришида нуқсон бўлган юртдошларимизнинг 34 нафари, шунингдек, 1400 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларнинг умра зиёратига бориб-келиши том маънода инсон қадри ва ижтимоий ҳимоя борасидаги эзгу сиёсатнинг махсулидир.

Албатта, мазкур кенг кўламли ислохотлар, энгилликлар, қўлайликлар замирида кўпмиллатли халқимиз ҳаёти, фаровон турмуши, эркин истиқболи, фарзандлар камолоти ва орзу-истаклари рўёби мўжасамдир.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда кенг кўламли ислохот ва туб ўзгаришлар натижасида янгилабни бораётган юртимизда ҳақиқатан милоқот, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, ҳўмладан, виждон эркинлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада улкан чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бораётган бундай амалий ишлар янги Ўзбекистонни барпо этиш, юртимиз раванқи, халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, барча юртдошларимизни ана шу ғоялар атрофида янада бирлаштиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидлаш позим.

Меҳр-оқибатли, саховатли халқимизга, тинч-осойишта юртимизга мана шундай байрамлар ярашади. Бинобарин, бунинг шукронасини қилиш, янги бунёдкорлик ишларида бирдам бўлиш, буюқ келажак сари шаддам қадамлар ташлаш, янги Ўзбекистонни барпо этишда бир ёқадан бош чиқариб, бирлашиш бизни мақсад сари олиб борувчи ягона йўлдир.

Ўз навбатида, тараққиётимизнинг янги босқичида барча соҳалар қатори диний-маърифий йўналишда амалга оширилган ислохотлар кўлами ва аҳамияти жиҳатдан гоат муҳим бўлиб, Ўзбекистоннинг муслумон дунёсида ислом цивилизацияси маркази, илм-маърифат ўчоги сифатида эътироф этилишига сабаб бўлмоқда.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистонда 2023 йил давомида кузатилаётган ҳам тарихий, ҳам эзгу ташаббуслар, шубҳасиз, юрт раванқи ва истиқболига хизмат қилувчи чора-тадбирларнинг бошланиши.

Инсон манфаатлари, ижтимоий ҳимоя масаласи пировард мақсадга айланган жонажон юртимизнинг ҳар қуни хўшхабар ва эзгу воқеаларга бой бўлаверсин.


НУҚТАИ НАЗАР

ЗАМОНАВИЙ САНОАТ ТАРАҚҚИЁТИ

Мис ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш имкониятлари



Абдулла ХУРСАНОВ,
“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси

Бошланғичи 1-бетда

Конференция доирасида республикада тоғ-кон ва геология соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, ривожланиш тенденциялари, глобал қиймат занжирига боғланиш бўйича қилинаётган ишларни муҳокама қилиш, соҳага истиқболли инвесторларни жалб этиш механизмларини кўпайтириш, кон-металлургия ҳамда унга боғлиқ саноат тармоқлари ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатиш назарда тутилган. Саноатнинг муҳим, таъбир жоиз бўлса, асосий ва истиқболли тармоғига доир халқаро анжуманининг Ўзбекистонда ўтказилаётгани бежиз эмас. Бинобарин, сўнгги йилларда мамлакатимизда мис қазиб

олиш ва ундан маҳсулот ишлаб чиқаришга катта эътибор берилляпти. Дунёда эса мис қазиб олиш саноати ва унга алоқадор тармоқларга иқтисодийнинг ҳақиқий драйверлари сифатида қаралади.

Мис — юмшоқ, чўзилувчан, болғаланувчан қизғиш тусли металл ҳисобланади. Унинг айнан ана шу каби хусусиятлари туфайли бугун дунё иқтисодиётида қадри ортиб бормоқда. Мутахассислар унга келажак маҳсулоти, дея баҳо беради. Чунки яқин келажакда айнан мис билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари жадал ривожланади ва бу жараёнга аллақачон киришилган.

Дунёда электромобиллар, электротехника ва қайта тикланувчи энергия соҳалари ривожланиши эвазига 2030 йилга бориб, мисга бўлган талаб 40 фоизга ошиши кутилмоқда. Қувонарлиси, бу борада юртимиз катта захирага эга. Заминимизда истиқболли конлар мавжуд. Жумладан, комбинатимизнинг мис ресурслари 45 миллион тоннани ташкил этиши ушбу йўналишда улкан имконият мавжудлигини далил қилиб беради. Улкан захирага эга бўлган мис маҳсулотлари рўйхатини шакллантириш мақсадида ташқи бозор талаблари ҳамда мис ишлаб чиқариш салоҳиятини максимал ошириш имкониятлари, рақобат устунликлари ўрганилди. Ушбу кен қўламми вазибаларни сифатли амалга ошириш учун



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.


8 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Айни пайтда бу борадаги ишларга жиддий киришилган. Яъни Канаданинг “НАТСН” консалтинг компанияси билан биргаликда мис саноати кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш концепцияси, 2022–2026 йилларда кон-металлургия машиналари, техникалари ва тоғ-кон саноатида ўсиб борадиган эҳтиёжлар учун ускуналарнинг янги турларини ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш дастури тайёрланди.

Мис саноати кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш концепциясида республикада ишлаб чиқариладиган мис маҳсулотлари рўйхатини шакллантириш мақсадида ташқи бозор талаблари ҳамда мис ишлаб чиқариш салоҳиятини максимал ошириш имкониятлари, рақобат устунликлари ўрганилди. Ушбу кен қўламми вазибаларни сифатли амалга ошириш учун

республика ишчи гуруҳи томонидан Чили ва Бразилиядаги мис кластерлари тажрибаси, энг илғор металлургия комбинатларининг технология ва ускуналари чуқур ўрганилди.

Масалан, Чилининг “Codelco” компанияси фабрикалари ва “Чукикамата” очиб ва шахта усулида илгирлиги 18 миллион тонна руда қазиб олинган кон саноатида ўсиб борадиган эҳтиёжлар учун тажрибасини “Ешлик-2”, “Миссон” ва бошқа конларни ўзлаштиришда қўлланиш белгилаб олди.

“ВНР” компаниясининг (Австралия) “Спенса” кони рудасининг таркиби ва геологияси “Ешлик” кони тавсифига тўғри келиши сабабли 1 та линиядан иборат бўлган ва йилга 25 миллион тонна руда қайта ишлайдиган рудани бойитиш технологияси ўрганилди, Олмалик кон-металлургия комбинатининг келажакда куриладиган 4-мисни бойитиш фабрикасини лойиҳалашда 6 та линияни ўрнатиш назарда тутилмоқда.



Мамлакатимизда мис саноати кластерини ривожлантириш ҳолатини айрим рақамларда кўрсатиш мумкин. Мисол учун, 2018 йилда 22,4 минг тонна мис қайта ишланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 95 минг тоннага ташкил этади.

Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан ҳам юқори қўшимча қиймат эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш борасида салмоқли ишлар олиб борилаётган. Жумладан, дастлабки қиймати 70 миллион долларни ташкил этувчи электролиз усулида ўта юпқа мис фольгасини ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш орқали 2025 йилга келиб, йилга 5 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Мазкур маҳсулотга жаҳон бозоридан талаб кун сайин ошиб бормоқда.

Электромобиллар сонининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда, комбинатда электромоторларда ишлатиладиган тўғри бурчакли сим ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам бошланди. Лойиҳанинг биринчи босқичида ишлаб чиқариш қуввати 6 минг тоннани ташкил этади. Келгусида бу кўрсаткич 12 минг тоннага қадар оширилиб, асосий қисми экспорт қилинади.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва импорти кескин қисқартириш мақсадида янги турдаги тоғ-металлургия машиналари, ускуналари ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқарувчи Машинасозлик заводини қуриш бўйича ҳисоб-китоблар тайёрланмоқда. Бу заводнинг прогноз қиймати 900 миллион доллар бўлиб, 2027 йилда ишга туширилади. Унда 35 турдаги янги жиҳоз ва тайёр ускуналар ишлаб чиқарилади ҳамда 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилади.

Албатта, ушбу кен қўламми вазибаларни амалга ошириш янги барпо этиладиган корхоналарда замонавий технологияларда ишлай оладиган муҳандис ва техник ходимларни тайёрлаш билан бирга олиб борилаётган.

Бунда асосий эътибор кон-металлургия йўналишлари бўйича замонавий ва энергия самарадор технология ва ускуналарни ўрганишга қаратилмоқда. Шунингдек, таълим сифатини ошириш учун Миллий тадқиқотлар технология университетининг “МИС”нинг Олмалик филиали ўқув жараёнига йил давомида 8-10 нафар хорижий профессор ва олимлар жалб қилинмоқда. Талабаларнинг комбинат корхоналарида ишлаб чиқариш амалиётини ўтатиш ва ёш кадр билан доимий равишда ишлаш, уларнинг билим ва малакасини узлуқсиз ошириб боришни таъминлайдиган “Устоз-шогирд” тизими йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда замонавий технологияларда ишлай оладиган, уларни бошқариш қобилиятига эга муҳандислар малакасини ошириш бўйича комбинат қўшида Муҳандислик мактаби ташкил қилинмоқда. Мактаб фаолиятини Германиянинг “Aurubis” АЖ тренинг маркази намунасида ташкиллаштириш режалаштирилган.

Буларнинг барчаси давлатимизда нафақат мис, балки юқори қўшимча қийматга эга турли экспорттоб маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали кўпроқ фойда олиш, ташқи бозорда рақобатбардорлигини ошириш имконини бериш билан бирга, мис саноати кластерида хусусий тадбиркорлар иштирокчини кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратишга кенг йўл очиши билан аҳамиятлидир.


АГРОСАНОАТ


Мева-сабзавотчилик: ЯНГИЧА ТИЗИМ ВА САМАРА

Сўнгги йилларда амалиётга жорий этилаётган кластер тизими қишлоқ хўжалигида яхши самара бера бошлади. Жумладан, Қашқадарёда ҳам қишлоқ хўжалиги, айниқса, мева-сабзавотчиликни ривожлантириш борасида янги тизимнинг афзалликлари туфайли соҳада юқори ҳосил олинмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мўл даромад манбаи

2018 йилда боғдорчилик сирларини жиддий ўрганган тадбиркор Анзур Нормурадوف шу йўналишда “Дармон-фарм” кластерини ташкил этишга бел боғлади. Қисқа фурсатда ишга киришиб, Яққабот туманидаги “Жийда” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда бўш турган ер майдонини олиб, ишни бошлади.

Туркиядан юқори ҳосил берувчи орпа навини келтириб, икки юз гектар ерда каттагина боғ ташкил этди. Шунингдек, шу йилнинг ўзида 210 гектар жойга “Қора қишмиш”, “Тойфи”, “Ризамат ота” навли узум қўчатлари ўтказиб, тоқзорга айлантди. Каттагина ҳудудни эгаллаган орпа ва тоқларни сўғориш тизими ҳам Туркия технологияси асосида жорий этилди. Натijaда уч юз нафарга яқин аҳоли иш билан таъминланди.

— Утган йили олмаларимиз илк марта ҳосилга кирди, — дейди ушбу кластер агрономи Шербек Нормурадوف. — Агротехник тадбирларни ўз вақтида бажаришимиз, дарахларга яхши ишлов беришимиз натижасида биринчи йилнинг ўзидаёқ минг тоннага яқин ҳосил олдик. Бу эса дастлабки йил учун яхши самара. Тоқзоримиздан ҳам яхшигина узум йиғиштириб олдик.

Олмаларимиздан жорий йилги мавсумда янада юқори унумдорлик кўтиломоқда. Яъни ўртача уч минг тонна

Наманганлик деҳқонлар Қашқадарёда

Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлими ташаббуси билан воҳада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022 йилда фермерлар учун қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ишлатиладиган харажатларни молиялаштиришда беш юзга яқин тақлиф билдирганларга фьючерс шартномаси тузиш ва тижорат банкларига ариза тақдим этишда амалий ёрдам кўрсатилди. Бунинг оқибатида 232 та фермер хўжалигига ўттиз миллиард сўмга яқин кредит ажратилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ижросини таъминлаш учун 177 минг тупдан ортик мевали дарахт қўчатлари Ғузор, Қасби, Китоб, Косон, Миришкор, Яққабот туманларига етказиб берилди. Шу билан бирга, бўлим саъй-ҳаракати билан бир ярим миллион донага яқин помидор, баклажон, булғор қалампир, қарам, қовун ҳамда тарвуз ниҳоллари худудларга тарқатилди. Истеъмол бозорига талаб юқори бўлган қарошкани кўпайтириш мақсадида биргина ўтган йилнинг ўзида Қарши туманига 20, Косонга 165, Қасбига 75, Муборак туманига 34 тоннадан, вилоят бўйича жами уч юз минг тоннага яқин сифатли уруғлик етказиб берилди.

Фермер хўжалиқларида дала четларидан унумли фойдаланиш мақсадида ошқовоқ уруғи экиш аъёнага айланди. Шу боис, ҳудудий бўлим маъмурияти бу борада ҳам ташаббускорлик кўрсатиб, 500 килограмм ошқовоқ уруғини жойларга етказиб берди. Бунинг самарасида бўш турган ердан даромад олишга эришилди.

— Воҳада мева-сабзавотчиликни янада ривожлантириш мақсадида бошқа вилоятлардан ҳам тажрибали деҳқонларни жалб этиш йўлга қўйилди, — дейди Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш

агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлим бошлиғи ўринбосари Зокир Янгибоев. — Утган йил бошида Наманган вилоятидан бир гуруҳ малакали деҳқонлар Ғузор ҳамда Шахрисабз туманларига келиб, тажрибалари билан ўртоқлашди. Қасбга доир янгиликлар, ўсимликларни парварилаш борасидаги маълумотлар алмашилди. Уларнинг кўмағида Ғузор туманининг 93 гектар майдонига янги тоқзор ташкил этилди. Бугунги кунда ҳам ҳамкорлик ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни қўллаш тизимини тақсимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам вилоятдаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида тизимли ишлар жорий этилмоқда. Қарорнинг тегишли бандига кўра, бюджет соҳаси ҳисобидан қишлоқ хўжалиги корхоналари мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, қўчатлар ва доривор ўсимликлар, тут, пилла, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинлар етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, жумладан, уруғлик ва кўчат етказиб бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш учун қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга, хусусан, “Агросервис оператор” давлат унитар корхонасига етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларини харид қилиш учун талаб этиладиган айланма маблағларини тўлдирish мақсадида йиллик 14 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилиши белгилаб берилган. Шу мақсадда вилоятда фаолият олиб бораётган тегишли ташкилот ва корхоналарга, фермер хўжалиқларига “Агросервис оператор” ДУК томонидан ҳозирга қадар жами 23,3 миллиард сўмлик моддий-техник ресурслар етказилган.



Такрорий экин — кони фойда

Қашқадарёда такрорий экин экиш ва ундан яхшигина даромад олиш борасида каттагина тажриба тўпланган. — Мева-сабзавотчилик тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам вилоятдаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида тизимли ишлар жорий этилмоқда. Қарорнинг тегишли бандига кўра, бюджет соҳаси ҳисобидан қишлоқ хўжалиги корхоналари мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, қўчатлар ва доривор ўсимликлар, тут, пилла, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинлар етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, жумладан, уруғлик ва кўчат етказиб бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш учун қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга, хусусан, “Агросервис оператор” давлат унитар корхонасига етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларини харид қилиш учун талаб этиладиган айланма маблағларини тўлдирish мақсадида йиллик 14 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилиши белгилаб берилган. Шу мақсадда вилоятда фаолият олиб бораётган тегишли ташкилот ва корхоналарга, фермер хўжалиқларига “Агросервис оператор” ДУК томонидан ҳозирга қадар жами 23,3 миллиард сўмлик моддий-техник ресурслар етказилган.

Такрорий экин — кони фойда

Қашқадарёда такрорий экин экиш ва ундан яхшигина даромад олиш борасида каттагина тажриба тўпланган. — Мева-сабзавотчилик тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам вилоятдаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида тизимли ишлар жорий этилмоқда. Қарорнинг тегишли бандига кўра, бюджет соҳаси ҳисобидан қишлоқ хўжалиги корхоналари мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, қўчатлар ва доривор ўсимликлар, тут, пилла, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинлар етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, жумладан, уруғлик ва кўчат етказиб бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш учун қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга, хусусан, “Агросервис оператор” давлат унитар корхонасига етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларини харид қилиш учун талаб этиладиган айланма маблағларини тўлдирish мақсадида йиллик 14 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилиши белгилаб берилган. Шу мақсадда вилоятда фаолият олиб бораётган тегишли ташкилот ва корхоналарга, фермер хўжалиқларига “Агросервис оператор” ДУК томонидан ҳозирга қадар жами 23,3 миллиард сўмлик моддий-техник ресурслар етказилган.

Қашқадарёда такрорий экин экиш ва ундан яхшигина даромад олиш борасида каттагина тажриба тўпланган. — Мева-сабзавотчилик тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам вилоятдаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида тизимли ишлар жорий этилмоқда. Қарорнинг тегишли бандига кўра, бюджет соҳаси ҳисобидан қишлоқ хўжалиги корхоналари мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, қўчатлар ва доривор ўсимликлар, тут, пилла, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинлар етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, жумладан, уруғлик ва кўчат етказиб бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш учун қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга, хусусан, “Агросервис оператор” давлат унитар корхонасига етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларини харид қилиш учун талаб этиладиган айланма маблағларини тўлдирish мақсадида йиллик 14 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилиши белгилаб берилган. Шу мақсадда вилоятда фаолият олиб бораётган тегишли ташкилот ва корхоналарга, фермер хўжалиқларига “Агросервис оператор” ДУК томонидан ҳозирга қадар жами 23,3 миллиард сўмлик моддий-техник ресурслар етказилган.

Қашқадарёда такрорий экин экиш ва ундан яхшигина даромад олиш борасида каттагина тажриба тўпланган. — Мева-сабзавотчилик тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам вилоятдаги қишлоқ хўжалиги корхоналарида тизимли ишлар жорий этилмоқда. Қарорнинг тегишли бандига кўра, бюджет соҳаси ҳисобидан қишлоқ хўжалиги корхоналари мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, қўчатлар ва доривор ўсимликлар, тут, пилла, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинлар етиштириш учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар, жумладан, уруғлик ва кўчат етказиб бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш учун қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга, хусусан, “Агросервис оператор” давлат унитар корхонасига етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларини харид қилиш учун талаб этиладиган айланма маблағларини тўлдирish мақсадида йиллик 14 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилиши белгилаб берилган. Шу мақсадда вилоятда фаолият олиб бораётган тегишли ташкилот ва корхоналарга, фермер хўжалиқларига “Агросервис оператор” ДУК томонидан ҳозирга қадар жами 23,3 миллиард сўмлик моддий-техник ресурслар етказилган.

Воҳада ўтган йили ғалла ҳосилдан бўшган ер майдонларидан 750 гектарга харидорғир бўлган брокколи қарам экилди. Бунинг учун Яққабот туманидан 10 гектар майдон танлаб олинди, замонавий қўчатхона ташкил этилди. Етиштирилган 30 миллион дона шу

турдаги қарам ниҳоллари жойларга етказиб берилди. Натijaда вилоят бўйича жами 3200 фуқаронинг доимий, олти минг нафарининг мавсумий бандлиги таъминланди. Етиштирилган маҳсулотлар эвазига 55 миллиард сўмлик полиз экинлари бозорга чиқарилиб, халқимиз дастурхони тўқинлигига эришилди.

Тўкин ва файзли

2023 йил якунига қадар мева-сабзавотчилик йўналишида воҳада юқори натижа кўтиляётгани прогнози қилинмоқда. Бунинг учун асосий майдонларга — 10,9 минг гектар ерга сабзавот, 5 минг гектар майдонга полиз, тоқзорлар оралиғига картошка, қўшимча 7,8 минг гектар худудга сабзавот экинлари экилган, 7 минг гектар ерда боғ яратилган. Қишлоқ хўжалигида, асосан, томчилатиб, ёмғирлатиб сўғоришдан фойдаланилмоқда.

Юртимиз бозорларини мева-сабзавот маҳсулотлари билан бойитишда деҳқон хўжалиқларининг ҳам ҳиссаси катта. Хусусан, ҳозирга қадар вилоятда “E-auction” электрон платформаси орқали жами 17 минг фуқарога 9,3 минг гектар деҳқон хўжалиги учун ер ажратилган. Жорий йилда ушбу хўжалиқларда айнан импорт урнини босувчи экинлар экиш тақлифи берилган. Натijaда 2,1 минг гектарга сабзавот, 3,3 минг гектарга полиз, 1,4 минг гектарга картошка, 657 гектарга мойли экинлар, 1132 гектарга дуккакли ва 814 гектарига бошқа экинлар экилди. Бундан жами 59 минг тонна ҳосил олиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, “Бир контур — бир маҳсулот” тизимини асосида етиштирилган маҳсулотлар қайта ишловчи, сақловчи ва экспортёрлар томонидан сотиб олинishi каби хизматлар қонқирли равишда йўлга қўйилди.

Маълумотларга кўра, айни пайтда вилоятда жами 35 та мева-сабзавотчилик кластери фаолият олиб бормоқда. Қеракли имкониятлар яратилиши ва имтиёزلардан мақсадли фойдаланаётган кластерлар бугун нафақат ички, балки хориж бозорларини ҳам сархил мевалар, сифатли сабзавотлар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатмоқда. Соҳадаги кластерларнинг истиқболдаги режаларига назар ташлайдиган бўлсак, 2023-2024 йилларда янада йрқи лойиҳаларни амалга ошириб, яхши кўрсаткичларга эришиш устида иш олиб бормоқда. Шу билан бирга, аҳолини иш билан таъминлаш устувор вазибалардан бири этиб белгиланган.

Хулоса ўрнида айтганда, соҳадаги кенг қўламми ислохотлар аҳоли турмуш тарзининг янада яхшиланишига, бозорларимизнинг тўқин ва файзли бўлишига хизмат қилмоқда.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



30 ИЮНЬ — ЁШЛАР КУНИ

“ТЎЛҚИН УРГАН УММОНЧА БОР ЮРАКДАГИ ТУҒЁНИМ”



Бошланиш 1-бета

Яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган юрак биллими, замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга эга ёшлар мамлакатнинг бугунги ва эртанги тараққиётида тобора халқ қилувчи кучга айланиб бораётган. Улар ўзлари танлаган соҳаларда ай...



Рухий ва жисмоний курашларда товланиб

Довурбек КАРОМАТОВ, “Мард ўғлон” мукофоти соҳиби

Тўрт ёшдан бошлаб кураш спорт тури билан шуғулланганман. Аввалига отам Фозилхон Кароматов, кейин эса устозим Бекзод Воситовдан кураш сирларини ўргандим. Кейинроқ Республика Олимпия заҳиралари мактаб-интернатида тахсил олдим. Мен у ерда параджудо спорт тури билан шуғуллана бошладим.



Давлатимиз томонидан мен каби жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга яратиб берилган имкониятлар спортда бир қатор ютуқларга эришишимизда муҳим омил бўлди. Утган давр мобайнида параджудо бўйича кўплаб халқаро мусобақаларда совринли уринларни кўлга киритдим.

Астойдил ташланган қадам, ҳар бир саъй-ҳаракат эътиборсиз қолмас экан. Бунини мен ўз тақдирим мисолида кўрдим. 2021 йили Ёшлар куни муносабати билан “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирландим. Уша пайтдаги ҳаяжонимни сўз билан ифода қила олмаيمан. Мукофот менга масъулият ҳам юкледи. Уша йили Токиода бўлиб ўтган паралимпия ўйинларида қумуш медаль совриндори бўлдим.

2024 йилда Парижда бўладиган паралимпия ўйинларига аниқ тизим асосида тайёргарлик кўришга қаттиқ бел боғлаганман. Мен бу мусобақада олтин медални кўлга киритиб, Ватанимиз байрогини баландга кўтариш учун қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

Бугун юртимизда ёшларнинг илм олиши, касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун жуда кўп имкониятлар яратилган. Бундан унумли фойдаланган ёшлар кўп соҳаларда ўз салоҳиятини намойиш эта оляпти. Улар сафида эканимдан бахтиёрман.

Эзгу йўлдаги қадамларга улкан эътибор ифодаси

Ҳожира РЎЗИМУХАММЕДОВА, Олмазор тумани 102-заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатидаги эшитиш идрокни ўқитувчиси, “Келажақ бунёдкори” медал соҳиби

2021 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети коррекция педагогика йўналиши магистратура босқичини тамомлаб, пойтахтимиздаги 102-махсус ихтисослаштирилган мактаб-интернатида “Эшитиш қобилиятини шакллантириш ва талаффузга ўргатиш” фанидан дарс бера бошладим. Жисмоний имконияти чекланган болалар билан ишлаш осон эмас, аммо шу соҳани танлаётганимда кўнгли ўқиб болаларнинг ҳаётини яхшилашга ҳисса қўшишдек шарафли иш олдиди бу машаққатлар катта аҳамиятга эга эмас деб билганман.



Айни пайтда заиф эшитувчи, кўзи ожиз, гапиришда ва интеллектуал нуқсон билан болаларга сурдо йўналишида индивидуал таълим бераман.

Бирор гапни озгаки тушунтиришдан кўра, имо-ишора билан тушунтириш қийинроқ. Чунки болалар турлича гапиради, тушунишлари ҳар хил. Товушларидаги нуқсон ҳам турли. Шу боис, машғулот яқка тартибда ўтилади.

Уларни ўқитиш техникаси товушларни талаффуз қилиш, нафас машқули, товушни тиклаш билан параллел олиб борилади. Бу борада янги методларни

ўрганиб, машғулотларни сифатли ва самарали ташкил этишга ҳаракат қилдим. Имконияти чекланган болалар билан ишлаётганим эътибордан четда қолмади. Утган йили “Келажақ бунёдкори” медал билан тақдирландим. Кўксим ғурурга тўлди. Очиги, бу каби мукофотлар, аввало, юртимизда ёшларга қаратилган катта эътибор намунаси. Эндиликда сурдо йўналиши бўйича докторлик илмий ишини бошлаш ниятидаман. Мақсадим — имконияти чекланган болаларнинг ҳаётда ўз урнини топишига кўмаклашиш.

Иқтидор — мақсаддан чекинмасликда

Ўқитхон ҲАСАНОВА, Мукаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли артисти, “Келажақ бунёдкори” медал соҳиби

Гўзаллик дунёси инсоннинг шахсиятини доимо бойитади ва юксалтиради. Шу боисми, рақс санъатининг нафислиги, оҳанрабои ёшлик чоғларимдаёқ ўзига ром этган. Бу санъат инсоннинг энг гўзал ҳис-туйғулари ва ҳаяжонларини, унинг нозик ички кечинмалари ҳамда орзу-умидларини ўзда мужассам этади, туйғуларни нафис ҳаракатларда кўрсатади. Болалигимдан буни яхши ҳис қилардим. Кейинчалик рақс санъатига қобилиятим борлигини билган ота-онам ва устозларим рақсга ихтисослаштирилган мактаб-интернатида ўқишга олиб келди. Бу мактабда беш йил тахсил олдим. Бир неча бор Республика ва халқаро танловларда ғолиб бўлганим учун Ўзбекистон давлат хореография академиясига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим.



Уқиб давомда ҳам тинимсиз ўз устимда ишладим. Ҳаракатларим бе-самар кетмади. 2019 йилда “Нихол” давлат мукофотида сазовор бўлдим.

2022 йилда эса “Келажақ бунёдкори” медал билан тақдирландим. Мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, маънавий ва маърифий савиясини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Иқтидоримизни рўёбга чиқариш эса ҳаракатимизга, ҳар қандай ҳолатда мақсаддан чекинмаслигимизга боғлиқ.

ШЕЪР ЁЗИШИМ ЁШЛИҚДАГИ ҲИССИЁТЛАРИМ, НАСРДАГИ ИЖОДИЙ МАШҚЛАРИМ ЭСА БАДИЙ АСАРЛАРГА МУҲАББАТИМ БИЛАН БОҒЛИҚ, ЛИЦЕЙДА ЎҚИБ ЮРГАН КЕЗЛАРИМ УСТОЗЛАРИМНИНГ ТАВСИЯСИ БИЛАН БАДИЙ-ПУБЛИЦИСТИК МАҚОЛАЛАР ЁЗА БОШЛАДМ. ҲОЗИР ЭСА УНИВЕРСИТЕТДА УСТОЗЛАРИМ КЎМАГИДА БАДИЙ ТАРЖИМАГА ҚЎЛ УРДИМ. ЯЪНИ АДАБИЁТ ДОИМИЙ ЙЎЛДОШИМ.

Ютуқлар манзили — истеъдод ва яратилган имкониятлар уйғунлигида

Севара БАҲОДИРОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Тошкент давлат шарқшунослик университети талабаси

Болалигимдан ўқишга жуда қизиққанман, бунини пайқатган ота-онам мен билан бир йил олдин мактабга берди. 1-синфга қадам қўганимда алифбони, ҳарфлардан сўзлар тузишни, ўзбекчадан ташқари инглиз ва рус тилларида ҳам бир оз сўхбатлашгани билардим. Албатта, ҳаммаси оилам, яқинларимнинг эътибори, мен билан қўшимча шуғуллангани маъсули бўлган. Мактабга қабул қилишда мендан давлат мадҳиясини сўрашган. Уша вақтда ҳар кун эрталаб радиода эшитганимда тўқинланиб кетадиган Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясини баралла айтиб берганман.



Оқори синфда адабиёт фани ўтила бошлаганда бадиий асарларга ҳам жуда қизиқишимни англадим. Биринчи ўқиган бадиий китобларим Абдулла Қодирийнинг “Уткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романи бўлган. Шундан кейин китобга ошно туттиндим.

Шеър ёзишим ёшлиқдаги ҳиссиётларим, насрдаги ижодий машқларим эса бадиий асарларга муҳаббатим билан боғлиқ. Лицейда ўқиб юрган кезларим устозларимнинг тавсияси билан бадиий-публицистик мақолалар ёза бошладим. Ҳозир эса университетда устозларим кўмагида бадиий таржимага қўл урдим. Яъни адабиёт доимий йўлдошим.

Зулфия номидаги Давлат мукофотини тақдирлаш тантанасига тайёрланиш учун республикамизнинг барча ҳудудларидан 28 нафар қиз йиғилди. Опаларим-сингилларим, тенгдош ўртоқларим билан сўхбатлашар, уларнинг бу ергача етиб келишидаги йўлларига ҳаёлан боқарканман, юртимизда хотин-қизлар учун яратилган кенг имкониятлар орзу-интилишларига қанот бўлганини анладим.

Бугун қизларга ўқиш учун шунчалик имкониятлар кўпки, уларни ўйлаб ақлинг шошади. Бир қанча тавсияномалар орқали кўшимча грант асосида талаба бўлиш, кам таъминланган оила фарзандларининг тўлов-контракти давлат

ва тегишли идоралар томонидан тўлаб берилиши, таълим учун узоқ мuddатда фоизсиз кредит, магистратурада тўлиқ грант асосида ўқиш имконияти, докторантура учун алоҳида квоталар... Мен фақат таълим соҳасидаги имкониятларимдан бир шингилни санаб ўтдим. Ваҳоланки, барча соҳаларда яратилган шарт-шароит бугун эл қорига ярайдиган истеъдодли қизларни юзага чиқараётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мен ютуқлар омад ва тасодифларга боғлиқ деган фикрга қўшилмайман. Улар эзгу мақсад сари доимий интилишдан яралишига ҳаётим мисолида амин бўлдим. Албатта, бу йўлда машаққат ва қийинчиликлар бўлади. 2022-2023 ўқув йилида Навоий номи давлат стипендияси ва 2023 йил февраль ойда турк тилидан С2 даражадаги халқаро тил билиш сертификатини кўлга киритдим. Муаллифлигимда 3 та тўпلام бор. Бугунги кунда нуфузли тадбирларда таржимон ва журналист, баъзида ташкилотчи сифатида иштирок этапман. Ҳар гал бирон ютуққа эришганимда келажақдаги мақсадларим сари яна бир қадам илдамлаганини ҳис этаман. Биз эришарган ютуқлар иқтидор ва яратилган шарт-шароит, ғамхўрликнинг уйғунлигидан юзага келади деб ҳисоблайман.

Хорижликлар юзидаги ҳайрат ҳавасга айланди

Рисолат МАХСИМОВА, Ўзбекистон Халқаро ислом академияси магистранти, “Келажақ бунёдкори” медал соҳиби

Олдимизга аниқ мақсад қўйиш катта меҳнат талаб қилмайди. Ҳамма гап натижада, яъни ҳавас қилинган маррани эгаллаш ва мақсадга етишга. Бу йўлда маслаҳат, танбех берувчилару йўлдан қайтаришга уринувчилар ҳам кўплаб топилди. Ўз устимизда тинимсиз ишлаш, кўплаб китобларни мурола қиласиз, шуларнинг ўзи талабага эришиш учун етарли бўладими? Менимча, йў!

Изланиш, интилиш, китоб муролаасию семимли машғулотлар билан шуғулланиш — барчасида тизимлиликка таяниш керак. Мутахассислиги бўйича билимларнинг энг кераклигини чуқур ўрганишга интиламан. Бу ёндашув шу кунга қадар ўзини оқляпти.



2022 йилда Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг халқаро журналистика ва жамоатчилик билан алоқалар факультетини тамомладим. Ўқиш мобайнида илмий изланиш билан шуғулландим ва 2021 йилда Ислам Каримов номидаги давлат стипендияси, 2022 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига сазовор бўлдим.

Турли халқаро, миллий грант ва танловларда фаол бўлишга ҳаракат қиламан. Боиси, бундай жараёнларда етакчи мутахассислар билан фикр алмашишим, тажриба оширишим, турли саволларимга жавоб топишим, янгиликлардан хабардор бўлишим мумкин.

Хусусан, 2022 йилнинг май ойда Тожикистонда бўлиб ўтган лойиҳалар танлови мен учун шундай вазифани бажарди. Евроосиё миқёсида ўтказилган “Idea fest 2020” лойиҳаси эса ўз камчиликларим устида кўпроқ ишлашимга туртки берди. Натижада 2021 йил Европа Иттифоқи томонидан Осие миқёсида ташкил этилган халқаро “WESCOOP project” экологик лойиҳалар танловида муваффақиятли иштирок этдим.

Мана шу ютуқларим сабаб 2022 йилда “Келажақ бунёдкори” медал билан тақдирландим. Бу эътироф мени

одатдагидан кўра кўпроқ изланишга, ўз устимда ишлашга ва каттароқ марраларни забот этишга куч берди.

Жорий йил март-апрель ойда Швейцарияда бўлиб ўтган “Media Communications Management” грант дастурида иштирок этдим. Ана шунда Буюк Британия, Бельгия, Арманистон, Туркия ва бошқа давлатлардан келган иштирокчиларнинг энг ёши бўлиш баробарида Марказий Осиёдан қабул қилинган ягона вакил эдим. Дастур қатнашчилари ўтган йили 30 июнда Ўзбекистон Президенти билан тушган расмимни кўриб ҳайратландим. Сиз шу ёшингизда қандай қилиб давлат раҳбари билан учрашгансиз, кўксингизда мукофот ҳам турибди, деб савол берди. Мен эса юртимизда ҳаракат қилган ёш борики, эътироф этилади, деб жавоб берганимда, улардаги ҳайрат урнини ҳавас эгалладим.

Ахир омад ва муваффақият шунчаки келмайди, бунинг учун ҳаракат, меҳнат, ирода ва қатъият талаб қилинади. Асосийси, ўзимизга бўлган ишончимиз сўнмаслиги керак. Қийинчиликлар сабаб мақсаддан кечиш эса ярамайди.

Ҳозирда Ёшлар ишлари агентлиги Марказий аппаратида лойиҳа менежери сифатида ишлаяпман. Шунингдек, магистратура босқичида ўқияпман. Мамлакатимизнинг умидли ёшларидан бири сифатида яқинларим, устозларим, давлатимиз томонидан менга билдирилган ишонччи оқлаб, дунё саҳнида ҳам ўз қаламимга, ўз ўрнига эга журналист, жаҳон медиа назариясига ҳиссасини қўша оладиган мутахассис бўлмоқчиман. Умуман, мақсадларим, ниятларим, режаларим кўп, ишонманки, астойдил ҳаракат билан уларни амалга ошира оламан.

Мақом ўлмас қадрият бўлиб янграйди

Ислам УМРЗОҚОВ, Тошкент шаҳридаги “Ёш мақомчилар” ансамбли бадиий раҳбари, “Келажақ бунёдкори” медал соҳиби

Мирзо Улғубек туманида Ёшлар етакчиси сифатида ишлаб юрган пайтимда “Ёш мақомчилар ансамбли”ни ташкил этиш бўйича берган тақдирим билан қўллаб-қувватланиб, мазкур ансамблини ташкил этиш ва концерт дастурини ўтказиш бўйича тегишли топшириқлар берилгани биз, ёшларнинг ҳар бир орзу интилишларимиз эътиборда эканидан далолатдир.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Олимпия маҳалласида 12 нафардан иборат “Ёш мақомчилар ансамбли”ни шакллантиришга муваффақ бўлдим. Ансамблга раҳбарлик қилаётганимга унча кўп бўлмади. Утган қисқа давр мобайнида истеъдодли ёшлардан таркиб топан жамоамиз билан қатор ютуқларга эришдик.

Бугунги кунга келиб, мазкур ансамблизмиз туман, шаҳар миқёсида ўтказилаётган йирик тадбирлар, концерт дастурлари ва байрамларда ижодий чиқишлар билан муваффақиятли иштирок этиб, миллий мусиқа санъатимизни тарғиб этишга ҳисса қўшиб келмоқда.

Айни пайтда мақом ансамблига раҳбарлик баробарида Ёшлар ишлари агентлиги Мирзо Улғубек туман бўлими



бошлиги сифатида ҳам фаолият олиб бориаман.

Утган йили “Келажақ бунёдкори” медал билан тақдирланганим ёшлар билан янада яқинроқ ишлашим, мақомчилик санъатини ривожлантириш истагимга қанот бағишлади. Келажақда ўзбек мақомчилик санъатининг ўзига хослигини бутун дунёга намойиш этиш йўлида хизмат қилишни мақсад қилганман. Бунда менга истеъдодли жамоам, қолаверса, давлатимиз томонидан ёшларга бағишланган эътибор ва рағбат кўмаклаши.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” муҳбири Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.

МАДАНИЙ ЁДГОРЛИК

Таниш Бухорийнинг "Абдуллонома" асаридан Абдуллохон II томонидан 1558-1559 йилларда қурилиш ишлари бошлаб юборилгани маълум қилинади. Мазкур асардан биз мажмуанинг 1570 йилда қуриб битказилганини билиб оламиз.

Обида билан бирга тарих ҳам қайта тикланди

Мақолани ёзишда тарихий манбалар ва чоп этилган адабиётлардангина фойдаланиб қолмай, Чор Бакр мавзеида туғилиб-ўсиб, ҳаётини шу муаззам мажмуани асраб-авайлашга, унинг тарихини келажак наслларга етказишга, тозалигини таъминлашга сарфлаган инсонлар билан ҳам учрашдик. Улардан ўз ота-боболари кўрган ва айтиб берган воқеаларни ёзиб олдик. Маълумот берганлардан бири — Розия Юнусова (1958 йилда Чор Бакрда туғилган)нинг аждодлари шу мавзеда яшаб ўтган. Бобоси қори Юнусхўжа, отаси Исмоилхўжа тарихий обидани кўриқлашга, уларнинг аёллари эса уни супуриб-сидиришга умрларини сарфлаган фидойи, иймонли инсонлар бўлган.

Розия опанинг айтишича, 1930-1940 йилларда Чор Бакр мажмуаси биноларидан турли қимёвий ўғитлар, пахта, 1960-йилларда картошка сақланадиган жой, 1970-йилларда Бухоро пойабзал фабрикасининг омбори




қолдирган улкан маънавий мерос элимизга қайтарилди, муқаддас қадамжолар ва масжид-мадрасалар таъмирланиб, янгилари қурилди.

1997 йили Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик тўли нишонланди. 1999 йил апрелда Бухоро Шариф жамғармаси ҳузурда Чор Бакр меъморий мажмуини таъмирлаш дирекцияси ташкил этилди. Ушбу таъмирлаш ишларига қўллаб қорхона, ташкилот, жамоат ҳужалиқлари, ширкат, туман ҳокимликлари жалб қилинган. Таъмирлаш ишлари кўлами 6 гектар майдонни қамраб олган. 1930 йилдан бошлаб Чор Бакр мажмуаси

Чор Бакр дурдонаси

маънавиятимизнинг тўрт устуниси

Бухоро шаҳридан 6 километр узоқликда — жануби-ғарбий қисмида Талипоч дарвозаси орқали Жондор туманига олиб борадиган йўл ёқасида 16,7 гектар майдонни эгаллаган йирик тарихий обида бор. Халқ орасида Чор Бакр номи билан машҳур бўлган ушбу мажмуа зиёратгоҳга айланган. Жой номи ҳам Чор Бакр бўлиб, Бухоронинг қадимий қишлоқларидан бири саналади ва ўз даврида Сумитан деб аталган. "Ғиёс ул-луғот" асаридан унга "жундан мато тўқувчилар маскани" дея шарҳ берилади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

мадраса ва масжид меъморчилик ансамблининг ноёб намуналари бўлиб, уларни бунёд этган меъморлар исми номаълум. Аммо тарихчи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ёзишича, "Хон ҳазратларнинг арқони давлати ва аёнлари, хусусан, ўша вақтда олий муҳдорлик мансабида бўлган Амир Халифа мазкур иморатларни битиришда тамоман эҳтимом (ғайрат, ҳиммат) кўрсатди".

Мажмуага кўшимча бинолар сифатида ҳазира ва даҳмалар қурилган. Бу ўринда "ҳазира" — "ҳазон бўлганлар", "хобидога" эса "абдий уйкуга кетганлар" маъноларини англатади. Обидада 10 дан ортиқ ҳазира бўлиб, уларнинг ҳар бирида кўплаб қабрлар мавжуд. Масалан, Саъдулло хўжа ҳазирасида 110 та қабр бор.

Обиданинг номланиши ҳам ўша даврларга бориб тақалади. Мажмуанинг энг қадимий қисми Х асрда шаклланган бўлиб, унинг номланиши шу ерда дафн этилган ислом оламнинг кўзга кўринган вакиллари, ҳадисшунос ва фикр илмининг билимдонлари бўлмиш чор Бакр, яъни тўртта Бакр тарихи билан боғлиқ.

Таъдқиқотларимиз шуни кўрсатадики, чор Бакр, яъни тўртта Абу Бакрлар хусусида яқдил фикр мавжуд эмас. Бироқ Х асрда яшаб, мазкур мажмуада дафн қилинган ва Бухоро хони Абдуллохон II (XVI аср) даврида Чор Бакр мажмуасининг қурилишига сабаб бўлган дастлабки икки Абу Бакр борасида шак-шубҳа йўқ. Булар Абу Бакр Саъд Яманий ҳамда унинг ўғли Абу Бакр Аҳмад ибн Саъддир.

Манбаларда келтирилишича, "Абу Бакр" исми эмас, балки нисба (унвон, лақаб, куня)дир. Унинг араб тилидан таржимаси "Бакр отаси" ёки "Бакр авлоди" маъноларини беради. Абу Бакр Сиддиқдан кейин Пайғамбаримизнинг бошқа авлодлари, жумладан, Имом Хусайннинг ўғли Хожа Абу Бакр Саъд ҳам "Абу Бакр" нисбасини қабул қилган. Х асрда "Абу Бакр" унвони билан машҳур бўлган имомлар орасида бир нечтасининг номи тарихий манбаларда кўп тилга олинади. Улардан бири Абу Бакр Саъд Яманийдир. У Жўйи Мулиён ва Сумитан қишлоғида қатор иншоотлар, хусусан, боғ-роғ яратиб, сарҳовуз, сардоба, тегиримон, ҳаммом, бозорча қурдирган. Хожа Саъд вафот этган, васиятига кўра, унинг жасади Сумитандаги қадимий қабристонга қумилган. Кейинчалик бу жой, яъни Чор Бакр мажмуаси жўйборлик пайғамбар авлодларининг мангу оромгоҳига айланган.

Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд эса кўплаб шайх ва авлиёларга устозлик қилган. Айрим тарихчи олимлар Хожа Саъд билан Абу Бакр Аҳмад ибн Саъднинг бир одам деб ёзади. Аммо Имом Хусайн шажара-номасида улар ота-ўғил бўлгани кўрсатилган.

"Тарихи Муллазода" (XV аср) асаридан Абу Бакр Мухаммад ибн Фазл бин Жаъфар ал-Бухорий ҳақида ҳам сўз боради. Тарихчи ва географ олим Аҳмад ибн Махмуд Бухорийнинг келтиришича, Абу Бакр Фазл йирик фақих, муҳаддис ва мухталиф бўлиб, айниқса, унинг

"Муснади Фазл" ҳадислар китоби донг таратган. Абу Бакр Ҳомид ҳам йирик муҳаддислардан. Унга замондошлари томонидан "Шайх ул-олам" унвони берилган. Ул зотнинг хоки Мозори Шариф дарвозасидаги қабристонга қўйилган.

Айрим манбаларда яна бир Бакр сифатида Абу Бакр Тархон ҳам тилга олинади. У IX асрнинг иккинчи ярмида туғилган, Бухорои Шарифнинг йирик шайх ва имомларидан бири бўлиб етишган. "Тарихи Муллазода" асариде ёзилишича, Абу Бакр Тархон "Жоме вал муснад" китобининг муаллифи, 945 йили Бухорода вафот этган ва шаҳар атрофидаги қабристонга дафн этилган.

Абу Бакр Саъднинг кейинги авлодлари ҳисобланмиш Жўйбор шайхлари ҳам

сифатида фойдаланилган. Уша йилларда "Наштар" телевизион ҳажвий журналининг ҳужжатли фильмидан сўнг Чор Бакр мажмуаси "омборхона"ликдан халос этилган.

Мадрасанинг юқори қаватларида экскурсия давомида гувоҳ бўлдикки, у ташқи томондан НАЗАР СОЛГАНДА 3 ҚАВАТГА ЎХШАБ КЎРИНСА-ДА, АСЛИДА, 5 ҚАВАТЛИ БЎЛИБ, 30 ТА ҲУЖРАДАН ИБОРАТ. ХОНАҚОҲДА АМРИ МАЪРУФ ТИНГЛАНГАН, ҲУЖРАЛАРДА ЭСА МАЖМУА ХИЗМАТЧИЛАРИ ИСТИҚОМАТ ҚИЛГАН ВА ЗИЁРАТЧИЛАР ДАМ ОЛГАН.

Мадрасанинг юқори қаватларида экскурсия давомида гувоҳ бўлдикки, у ташқи томондан назар солганда 3 қаватга ўхшаб кўринади-да, аслида, 5 қаватли бўлиб, 30 та ҳужрадан иборат. Хонақоҳда амри маъруф тингланган, ҳужраларда эса мажмуа хизматчилари истиқомат қилган ва зиёратчилар дам олган. Тўртта Бакрдан иккитаси — Абу Бакр Тархон ва Абу Бакр Ҳомид Бухоро шаҳри ичига жойлашган Даҳми Шаҳидонада дафн қилинган.

Чор Бакр мажмуаси асрлар давомида зиёратгоҳ сифатида эъзозлаб келинган. Бироқ шуролар ҳокимияти йилларида унинг кўпгина обидалари емирила бошлади. Минг йиллар давомида ушбу мажмуа таъминоти учун ажратилган вақф мулклари Шўро давлати ҳисобига ўтказилган, уни таъмирлашга маблағ ажратилмаган. Бухоро вилоят давлат архиви фондларида сақланаётган "Бухомастарис" ҳужжатларида Чор Бакр мажмуаси ўтган асрнинг 30-йиллари ўрталаридаёқ таъмирлаб бўлиб қолгани ҳақида ҳисоботлар мавжуд.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, маънавиятимиз сарчасималаридан бўлмиш ислом динига муносабат тубдан ўзгарди. Собiq шўро ҳукумати даврида азиз-авлиёларнинг унутила-ёзган номлари қайта тикланди, улар

ҳудудидан ноқонуний равишда қурилган 35 хонадон бузилиб, уларнинг ўрнига боғ-роғлар барпо этилди, қадимий ҳовуз ва тошқудуқ қайта тикланди. Хуллас, XX асрда давлат ҳисобига қолган бу жой 2000 йил августида тўлиқ таъмирдан чикарилди.

Бугун ана шундай обидаларга эътибор янада ортимоқда. Нафақат юртдошларимиз, балки хоржилик меҳмонлар ҳам тарихимиз, маданий ёдгорликларимизга катта қизиқиш билдирапти. Ушбу масканларга сайёҳлар оқими оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам ҳар қачонгидан фаоллашган. Асосийси, тарихимизни борича асраб, уни янада гўзал ва замонавий воситалар ёрдамида намоён этиш бугунги кунимиз, янги Ўзбекистон руҳига мос ҳаракатлардан бирига айланди.

Зеро, Чор Бакр қаби қалби йимон нури билан тўлган, иродаси ихлос ва эътиқод ёғдуси ила мустаҳкамланган табарруқ зотлар вафотларидан кейин ҳам маъна ва руҳан тирик бўлиб қолаверади, уларнинг эзгу ишлари эл-юртга ҳаммиса ибратдир.

Азалшоҳ ҲАМРОЕВ,
Бухоро давлат университети тузилмасидаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи директори, доцент,
Мавлуда РАҲМОНОВА,
TURON ZARMED университети катта ўқитувчиси

Чор Бакр кимлар эди?

Чор Бакр мажмуасини томоша қила туриб, беихтиёр бир неча аср олдинги даврга тушиб қолгандек бўласиз. Чор Бакрдаги бинолар XVI-XIX асрларга мансуб. Обидада 26 та ҳовли, дарвозахона, пештоқлар, мадраса, масжид-хонақоҳ, ҳаммом, дам олиш ҳўжралари, ҳовуз, дарсхона, мустаҳабхоналар яхлит бир ансамблни ташкил қилади. Айниқса, бу ердаги хонақоҳ,

МУРУВВАТ

ҚИСМАТГА ҚАРИНДОШ ТУТИНГАНЛАР

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Хондайлик қишлоғи ҳақида кўпчилик эшитган. Пурвиқор тоғлари, одамохун инсонлари билан машҳур бўлган бу қишлоқ ахли хайр-саховатли ишлари билан ҳам кўпчиликка ибрат. У ерда яшаётган аҳолининг ҳамжиҳатлиги эса ҳавас қилса арзигулик.

Фахриддин ана ва Гулбаҳор опа Инкаровлар аша шундай инсонлар сирасига қиради. Уларнинг ўн уч нафар фарзанди бор. Жорий йил 15 май — Халқаро оила кўни муносабати билан Инкаровлар оиласи Тошкент вилоятида ўтказилган "Энг яхши оила" кўриқ-танловидан биринчи ўринга сазовор бўлди.

— Оиламизда 26 жон истиқомат қилади. Гулбаҳор аянгиз қариганида яна бир этак фарзанд қўришни хохлаб қолди, — дейди Фахриддин ака ҳазиломуз қулиб. — Яхши ният ёрти мол деганларидек, беш ой ичида фарзандларимиз сонини ўн уч нафарга етди. Тўғрисиини айтсам, аёлнинг юрагини армонлари ҳам ариди.

Ҳар бир сўзни ҳазилга буриб, маталлар билан гаплашадиган Фахриддин аканинг аёли Гулбаҳор опа турмуш ўртоғининг қўллаб-қувватлаши туфайли 2019 йилда 200 ўринли замонавий типдаги мактабга таълим ташкилотини куриб, тадбиркорлиқни йўлга қўйди. Маҳалладаги 150 дан зиёд боғча ёшидаги кичкинтойларни қамраб олди.

"Аслида, аввалдан болажонман. Ёшлигимдан катта ҳовлида кўп болаларим билан яшашни ният қилардим, инсоннинг бахти ҳам, бағри ҳам фарзандлар билан бутун бўлади. Янги боғчанинг ташкил этилишидан қишлоғимиздагилар ҳам хурсанд бўлди. Қолаверса, маҳаллаимиздаги ишсиз аёллар учун янги иш ўрни яратилди,

ўзимнинг уч келимин ҳам муқим ишли бўлди. — дейди Гулбаҳор опа. — Албатта, ҳар бир ишда турмуш ўртоғим

ва ўғилларим Ихлос, Хислат, Хушнуд бел боғлаб ёрдам берди. Бундан икки йил илгари кичик ўғлим бетоб бўлиб,



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

24 кун жонлантириш бўлимида хушсиз ётди. Уша дамлар дунё кўзимга қоронғу бўлиб кўринган. Яратганга нола қилиб, "нуридийдамнинг фарзандлари етим бўлиб қолмасин, невараларимга етимликни раво кўрмагин", дея илгардим. Ўғлим оёққа тургач, бола асраб олиб, тарбиялашни ният қилдим.

Мана, бугун ўн нафар болам 13 нафарга етди. Очиқ айтадиган бўлсам, аввалига болаларнинг оила шароитига кўникиши қийин бўлди.

Аллоҳга шўкр, бугун улар бағримни тўлдиряпти ва жуда меҳрибон. Қизларим Мадина, Дилдора, Асал, Жасмина, ўғилларим Арсен, Назар, Комрон, Амир, Нурмуҳаммад, Нурсултон кўзимнинг оку қораси. Дилбандларимнинг орасида ака-ука Нурмуҳаммад ва Нурсултоннинг қисмати ачинарли. Болалар ота-онасидан эрта айрилган. Фалокат оёқ остида экан, аксига олиб уйи ҳам ёниб кетган. Васийликка олган бувиши икки неварасини Меҳрибонлик уйига топширгач, бир ҳафта ўтиб қазо қилган.

Эндигина 3-4 ёшга қирган ака-укалар Меҳрибонлик уйида тарбия топганлари билан ота-она дийдори, меҳрига зор бўлади.

Ҳозир бу эгизаклар оиламизнинг эркатойларига айлиниб улгурган. Нурмуҳаммад кичик бўлса ҳам орзулари катта. Мени саёҳатларга олиб боришини, турли тақинчоқлар совға қилишини, асосийси, яхши инсон бўлишини қайта-қайта айтади. Буларни эшитиб, кўнглим тоғдек кўтарилди".

Дарҳақиқат, меҳр исзис кетмайди, балки яхшилик ва саховатни эргаштириб келади. Гулбаҳор опанинг фарзандларига ўтган йили вилоят ҳокими ташаббуси билан 50 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ушбу маблағ эвазига болажонларга ўзбекона урф-одатларга кўра суннат тўйлари қилинди. Опанинг ташаббуси билан маҳалладаги эҳтиёмқанд оила фарзандларининг тўйлари ҳам қўшиб ўтказилди. Қолган маблағга муъжазана чўмилиш ҳаваси қурилди. Гулбаҳор опа яқинда яна беш нафар болани бағрига олади. У аччиқ қисмат эгаларига қариндош тутинган замонамиз қаҳрамонларидан биридир.

Нигора ЎРОЛОВА,
журналист

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646.
41011 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғафқоров
Мусаҳҳиҳ: Рашид Ҳўжамов
Дизайнер: Зафар Рузиев
Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй